

## Дезинфекция хизматига куйиладиган талаблар

Дезинфекция, дезинсекция ва дератизация восита ва моддаларини махсус мосламали, шамоллатиш тизими мавжуд бўлган омборхоналарда, бутун идиш ёки қопларда сақлаш зарур.

Дезинфекция, дезинсекция ва дератизация восита ва моддаларини сақлаш ва тарқатишга масъул ходим уларнинг хавфлилигини ҳамда уларни сақлашда хавфсизлик қоидаларига риоя қилишни, идиш ва қопларни, тўкилган ёки оққан дезинфекция восита ва моддаларини зарарсизлантиришни билиши шарт.

Дезинфекция, дезинсекция ва дератизация восита ва моддаларининг аниқ номи, ишлаб чиқилган вақти ва фойдаланиш муддати кўрсатилган бўлиши керак, улар кўрсатилмаган тақдирда уларни тарқатиш тақиқланади.

Дезинфекция, дезинсекция ва дератизация моддаларини тарқатадиган ходим яқка тартибда химоя воситаларидан фойдаланиши лозим. Дезинфекция восита ва моддалари билан боғлиқ барча ишларни (ўлчаш, ишчи эритмалар, дератизация хўраклари тайёрлаш, ўчоқларга ишлов бериш, ишчи эритмалар билан дезинфекция қилиш ва бошқалар) бажарадиган ходимлар яқка тартибда химоя воситалари ва махсус кийимда бажаришлари керак. Кийим ва буюмларни инсектицид, репелентларда бўктириш ҳамда уларни қуриштириш ишлари шамоллатиш тизими бор махсус хонада ёки очик ҳавода ўтказилиши лозим. Дезинфекция восита ва моддаларини тортиш ва идишларга солиш ва бошқа ишлар ҳавони тортувчи шкафи бўлган махсус хонада бажарилиши лозим. Дезинфекция восита ва моддалари билан ишлаганда ходимлар вақти-вақти билан очик ҳавога чиқиб (махсус кийимларсиз) танаффус қилишлари лозим. Иш тугагандан сўнг ходимлар махсус кийимларни белгиланган тартибда ечишлари ва махсус идишга солишлари, оғизни сув билан яхшилаб чайиб, гигиеник душ қабул қилишлари керак. Озиқ-овқат маҳсулотларини дезинфекция восита ва моддалари билан биргаликда ташиш, уларни ишлаб чиқариш (тайёрлаш) хоналарида сақлаш тақиқланади.

Дезинсекция восита ва моддалари ва асбоб-ускуналари билан ишлаганда куйидаги қоидаларга риоя қилиш лозим:

тери ва шиллик қатламга дезинсекция восита ва моддаси эритмаларининг тушишига йўл қўймаслик;

эмульсия тайёрлаш, кукун дориларни ўраш ишлари бинодан ташқарида ёки махсус ажратилган хонада, ойналарни очиб, шунингдек ҳавони тортувчи шкафларда, қўлқоп, респиратор ва ойнагини тақиб бажарилиши керак.

Инсектицидли эритмалар тайёрлашда бензин ва спиртдан фойдаланиш ва уларни пурқаш тақиқланади.

Тайёрланган хўракларни дезинфекторларга ўлчаб, клеёнка, полиэтилен ёки бошқа қопчаларга жойлаштирилган ҳолда берилиши лозим. Касаллик ўчоқларига хўрақлар қулфланадиган махсус идишларда (идиш қопқоғининг ички томонида ҳаёт учун хавфли моддалар борлиги ҳақида ва ташкилотнинг манзили кўрсатилган бўлиши керак) олиб борилиши ва улар қошиқлар билан солиниши

лозим. Дезинфекторлар кукунли дератизация восита ва моддалари билан ишлаганда (кемирувчиларнинг уяларига ва инфекция билан ифлосланган сувга дори пуркаганда) чангга қарши ёки пахта-докали респиратор кийиши керак.

Касаллик ўчоқларида иш тугагандан сўнг дезинфектор асбоб-ускуналарни, лаборатория идишларини ва махсус кийимларни йиғиштириб махсус идишларга солиши ва қўлларини совунлаб ювиши, кукунли моддалар билан ишлаганда юз-қўлини совунлаб ювиши, оғизни сув билан чайиши керак.

Касаллик ўчоқларида ўлган кемирувчиларни қисқичлар ёрдамида резина қўлқоп кийиб йиғиш ва махсус қопчаларга солиш керак. Уларни ўлатга қарши кураш ёки ўта хавфли юкумли касалликлар лабораториясига топшириш учун қопқокли темир бакларга жойлаштирилади. Бундай муассасалар йўқ жойларда эса кемирувчиларни ёкиб юборилади ёки ўликларини 0,5 м чуқурликда ўра қазиб, 10 — 20 фоизли хлорли оҳак эритмаси сепиб қўмиб юборилиши лозим.

Опыт работы не менее 3-х лет по аналогичных работ для медицинских учреждений.

Предоставить заказчику рекомендательные отзывы и характеристики от заказчиков аналогичных работ

Иметь современное оборудование, достаточный штат квалифицированных специалистов, согласно САНПИН

Гарантийное письмо от участника о выполнении работ с требованиями заказчика

ТХКМРМКТК в.в.б. бош д-фокори



С.Р.Маткаримов